

ТДТ - ТУРКИЙ ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Сағдуллаев Иззатилла Ғайратилла ўғли

мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада Туркий давлатлар ташиклоти (ТДТ) доирасида хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ҳамкорликнинг эволюцияси таҳлил қилинади. Илгари асосан иқтисодий ва маданий йўналишларда фаол бўлган туркий ҳамкорлик сўнгги йилларда ҳарбий, разведка ва мудофаа саноати соҳаларига кенгаймоқда. Туркиянинг икки томонлама фаоллиги, аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳарбий интеграция ва ТДТнинг институционаллашуви минтақавий хавфсизлик архитектурасида янги динамикани шакллантирмоқда. Мақолада мазкур жараённинг сабаблари, шакллари ва эҳтимолий оқибатлари ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: Туркий давлатлар ташиклоти; туркий ҳамкорлик; хавфсизлик сиёсати; мудофаа саноати; ҳарбий ҳамкорлик; минтақавий барқарорлик; Туркия омили; Марказий Осиё ва Кавказ.

ABSTRACT

This article analyzes the evolution of security and defense cooperation within the Organization of Turkic States (OTS). While Turkic cooperation initially focused on economic and cultural areas, recent years have witnessed a growing emphasis on military, intelligence, and defense-industrial collaboration. Türkiye's bilateral engagements, increasing inter-member military coordination, and the gradual institutionalization of security mechanisms within the OTS are reshaping the regional security landscape. The article examines the drivers, formats, and implications of this transformation and assesses the OTS's emerging role in addressing regional security gaps in Central Asia and the Caucasus.

Keywords: Organization of Turkic States; Turkic cooperation; security policy; defense industry; military cooperation; regional stability; Türkiye's role; Central Asia and the Caucasus.

КИРИШ

Туркий ҳамкорликка қизиқиш даражаси вақт ўтиши билан туркий давлатлар ўртасида фарқланиб келди. Қозоғистон ва Озарбайжон каби давлатлар доимо ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори бўлган бўлса, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистонда бу борадаги сиёсати ўзгариб турди.

Асосан сўнгги 7-8 йил ичида туркий ҳамкорликнинг аҳамияти бўйича умумий фикр шаклланди.

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев 2000 йиллар охирида Туркий тилли давлатлар кенгашини тузишни таклиф қилган эди. Бу кенгаш 2009 йилда ташкил топди. Ўн икки йилдан сўнг у расмий давлатлараро ташкилот - Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) айланди. Яқин вақтгача туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг фаоллашуви хавфсизлик билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга қаратилган эди. Шундай бўлса-да, ТДТ алоҳида аъзо давлатларга хавфсизлик масалалари бўйича икки томонлама ва уч томонлама мулоқотни ривожлантириш учун платформа яратди. Шундай қилиб, ТДТ фаолиятининг кучайиши билан бир қаторда, ташкилот аъзолари ўртасида хавфсизлик, разведка ва мудофаа бўйича келишувлар ҳам кўпайди.

Туркий дунёда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг ўсиб боришида икки хил форматни кузатиш мумкин.

Биринчиси, кутилганидек, Туркиянинг бошқа туркий давлатлар билан икки томонлама хавфсизлик алоқаларини ўз ичига олади. *Иккинчи* формат эса аъзо давлатларнинг Туркия иштирокисиз икки томонлама ҳамкорликдир.

Биринчи турдаги формат Туркиянинг Озарбайжон ва Марказий Осиёдаги туркий давлатлар билан фаоллашувини қамраб олади. Муҳим қадам 2021 йил июнь ойида ТДТ ташкил этилган йили Туркия ва Озарбайжон ўртасида “Шуша декларацияси” шаклида мудофаа шартномасининг тузилиши бўлди. “Шуша декларацияси” 2020 йилдаги “*Иккинчи Қорабоғ уруши*”да Туркиянинг Озарбайжонни қўллаб-қувватлашдаги ҳал қилувчи ролининг давоми эди.

Аслида, Туркия минтақадаги ташқи кучлар орасида ажралиб туради, чунки у хавфсизлик, разведка ва мудофаа соҳаларида иштирок этишга тайёрлик ва қобилиятни намоиш этди (бу ерда НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурини истисно қилганда, Европа ва АҚШ одатда иштирок этмаган). Ричард Оутзен таъкидлаганидек, Марказий Осиёнинг барча туркий давлатлари у ёки бу нуқтада Туркия билан “*ҳарбий таълим алмашинуви, ўқув ва машғулотлар, кенг қамровли қурол-аслаҳа ва мудофаа технологиялари, ва эҳтимол, энг муҳими, умумий доктрина ва операцион ёндашувларни ишлаб чиқиш жараёнидадир*”.¹

Озарбайжон Туркия билан деярли тўлиқ интеграция даражасига етган бўлса-да, бошқа давлатлар бу жараённинг турли босқичларида. Улар

¹ Outzen R. Security and Military Cooperation Among the Turkic States in the 2020s // Central Asia-Caucasus Analyst. – Feature Article. – Washington, DC: Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program, 08 December 2023. – № 8. – URL: <https://www.cacianalyst.org/publications/feature-articles/item/13781-security-and-military-cooperation-among-the-turkic-states-in-the-2020s.html>

Озарбайжон каби Туркия билан ҳарбий интеграцияни хоҳламаслиги мумкин, аммо уларнинг барчаси Анқара билан алмашинувларни фаоллаштирмоқда.

Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар хавфсизлик ва мудофаа ҳамкорлиги нуқтаи назаридан ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон мудофааси, транспорт йўлаклари (Ўрта йўлак) хавфсизлиги, минтақавий барқарорлик, тартибсиз миграция ва контрабанданинг олдини олиш доирасида ҳарбий ҳамкорлик ва мудофаа саноати ҳамкорлиги тўғрисида битимлар имзоланди.

2022 йил 29 март куни Тошкентда имзоланган “Туркия Республикаси Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳарбий доиравий битимни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор билан; ҳарбий таълим, машғулотлар, мудофаа саноати, ҳарбий ҳамкорлик, курулти кучларни жиҳозлаш, ҳарбий разведка, логистика ҳамкорлиги, ҳарбий тиббий хизмат ва алоқа, электроника, ахборот тизимлари ва кибермудофаа соҳаларида муносабатларни ривожлантиришга қаратилган.

Шунингдек, 2021 йил 23 мартда Анқарада имзоланган “Туркия Республикаси Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида мудофаа саноати соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим”га кўра; мудофаа маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, харид қилиш, техник хизмат кўрсатиш, тегишли техник ва логистик ёрдам соҳаларида янада самарали ҳамкорлик қилиш орқали томонларнинг мудофаа саноати салоҳиятини ошириш ва томонлар ўртасида мудофаа саноати соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсад қилинган.

Эришилган келишувларни амалга оширишга қаратилган икки мамлакат ташқи ишлар ва ички ишлар вазирлари ҳамда разведка идоралари раҳбарлари иштирокидаги 3+3 механизми бўйича учрашув илк бор 2024 йил 11-12 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтди. Ҳамкорликни институтсионаллаштириш учун “Йўл харитаси” хужжати имзоланди. Кейинчалик механизмга мудофаа вазирларини жалб қилиш орқали формат 4+4 га кенгайтирилди. Ушбу формат биринчи марта 2026 йил 20 январда Анқарада тегишли вазирлар иштирокида амалга оширилди.²

Қозоғистон Туркия билан ҳарбий алоқаларни 2020 йилда қўшма мудофаа ва саноат лойиҳалари бўйича шартнома имзолаганидан бошлаб кенгайтира бошлади. Шундан сўнг 2022 йилда разведка ҳамкорлиги ва кенгайтирилган стратегик шериклик тўғрисидаги протокол имзоланди. Қозоғистон турк

² Tavukcu S. Yükselen Özbekistan-Türkiye İlişkileri // Stratejik Düşünce Enstitüsü – SDE.org.tr. – 26 Ocak 2026. – URL: <https://www.sde.org.tr/sinan-tavukcu/genel/yukselen-ozbekistan-turkiye-iliskileri-kose-yazisi-62725> (январь 2026)

учувчисиз учиш аппаратларини сотиб олди ва ҳозирда уларни Қозоғистонда ишлаб чиқариш учун лицензияга эга. Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев 2000 йилларнинг охирида Туркий тилли давлатлар кенгашини тузишни таклиф қилган, у 2009 йилда тузилган. Орадан ўн икки йил ўтиб, у расмий давлатлараро ташкилот - Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) айлантирилди.³

Қирғизистонга келсак, у Туркиянинг бир неча турдаги учувчисиз учиш аппаратларини, жумладан, ТБ-2 Bayraktar дронларини харид қилди. Туркменистон ҳам Bayraktar дронларини сотиб олди. 2023 йил декабрь ойи охирида Туркменистоннинг олий раҳбарияти Туркиянинг йирик муҳофаа саноати компаниялари раҳбарларини кутиб олди ва ушбу фирмалар ҳамда Туркиянинг Туркменистон муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида очик гапирди.⁴

Таъкидланганидек, хавфсизлик ва муҳофаа соҳасидаги ҳамкорликнинг барчаси Туркия билан боғлиқ эмас. Икки томонлама даражада хавфсизлик ва муҳофаа соҳасидаги ҳамкорлик Қозоғистон ва Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозоғистон, шунингдек, яқинда Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасида жадал ривожланди. Бу уч давлатнинг барчаси ўзаро икки томонлама муносабатларини иттифоқчилик даражасига кўтарди, жумладан, ҳукумат даражасида давлатлараро мувофиқлаштириш учун “Олий давлатлараро кенгашлар”ни ташкил этиш орқали. Муҳофаа соҳасида ҳарбий алмашинувлар, қўшма машғулотлар, разведка маълумотларини алмашиш ва муҳофаа саноатини ривожлантириш йўналишларида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Яқин вақтгача Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги туркий ҳамкорликнинг ривожланиши хавфсизлик ва ҳарбий соҳадаги кўплаб икки томонлама келишувларга туртки бўлгани аниқ эди. Бироқ, расман олганда, гарчи Туркий Кенгашнинг 2011 йилдаги Олмаота саммитидан бери ТДТга аъзо давлатлар хавфсизлик бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва хавфсизлик масалалари бўйича умумий позицияни ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилган бўлса-да, муҳофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ТДТ доирасидан ташқарида қолган эди. Шундай бўлса-да, бу ҳолат ўзгаришни бошлади, чунки ТДТ сўнгги пайтларда хавфсизлик соҳасига кириб бориш учун қадамлар қўймоқда.

³ Marriam Javed, “Organization of Turkic States, 10th Summit Fact Sheet,” The Diplomatic Insight, November 10, 2023 <https://thediplomaticinsight.com/factsheet-on-the-organization-of-turkic-states-and-the-10th-summit-in-astana/>,

⁴ Cornell S.E. The Rise of Security and Military Cooperation among Turkic States // Central Asia-Caucasus Analyst. Analytical Articles. – Tuesday, 16 December 2025. – URL: <https://www.cacianalyst.org/publications/analytical-articles/item/13913-central-asian-states-and-the-bagram-dilemma.html>

НАТИЖАЛАР

ТДТнинг хавфсизлик ва муҳофаа соҳасига ташкилий кириб бориши 2022 йилдаги Самарқанд саммитига бориб тақалади. Аъзо давлатлар “хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка янги йўналиш қўшиш орқали маслаҳатлашувлардан ташқарига чиқдилар... улар муҳофаа саноатида яқинроқ ҳамкорлик ва ҳарбий ҳамкорликка чақирдилар.”⁵

Худди шундай, 2023 йил ноябрь ойида Остонада бўлиб ўтган кейинги саммитда якуний баёнот “муҳофаа саноати ва ҳарбий ҳамкорлик соҳасида яқинроқ алоқалар ўрнатишга” даъват этди. Саммитда ҳарбий ҳамкорликни кучайтириш учун асосий тарғиботчи Озарбайжон президенти Илҳом Алиев бўлиб, у ўз нутқида ривожланаётган хавфсизлик вазиятида “хавфсизликнинг асосий кафолати муҳофаа салоҳиятига айланишини” ва “аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик, муҳофаа ва муҳофаа саноати каби соҳаларда ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигига ишонишини” таъкидлади. 2024 йилда қайта сайланганидан сўнг, Алиев ТДТ Озарбайжон ташқи сиёсатининг асосий йўналиши эканлигини эълон қилди.⁶

2024 йилда Қирғизистонда бўлиб ўтган ўн биринчи саммит хавфсизлик ва муҳофаа масалаларига алоҳида тўхталмайдиган “Туркий дунё хартияси”ни қабул қилишга қаратилган эди. Хартияда “туркий халқлар ўз бирлиги, ҳамжиҳатлиги ва кадр-қимматида путур етказишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ва таҳдидларнинг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қилади” деган ибора мавжуд. Бу ўзаро муҳофаа шартномасидан йироқ бўлса-да, Европа Иттифоқининг Лиссабон шартномаси билан қабул қилинган ўзаро муҳофаа шартномасига ўтишдан олдин қандай қилиб бирдамлик тўғрисидаги шартни қабул қилганини эслатади.⁷ Ушбу саммитда ҳам Алиев аввалги чақириғини такрорлаб, “Глобал таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда муҳофаа, хавфсизлик ва муҳофаа саноати соҳасидаги ҳамкорлигимиз ғоят муҳим аҳамиятга эга,”- деди.⁸

2025 йил июль ойида ТДТ байроғи остида Истанбулда туркий давлатлар муҳофаа саноати раҳбарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув

⁵ Outzen R. Security and Military Cooperation Among the Turkic States in the 2020s // Central Asia-Caucasus Analyst. – Feature Article. – Washington, DC: Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program, 08 December 2023. – № 8. – URL: <https://www.cacianalyst.org/publications/feature-articles/item/13781-security-and-military-cooperation-among-the-turkic-states-in-the-2020s.html>

⁶ TDT Devlet Başkanları Konseyi 10. Zirvesi'nin Astana Bildirisi kabul edildi. / 04.11.2023 <https://www.aa.com.tr/tr/dunya/tdt-devlet-baskanlari-konseyi-10-zirvesinin-astana-bildirisi-kabul-edildi/3042474>

⁷ <https://www.trthaber.com/haber/turk-dunyasi/turk-dunyasi-sarti-kabul-edildi-detaylar-ilk-kez-trt-haberde-889396.html>

⁸ Türk Dünyasının Güçlendirilmesi: Türk Devletleri Teşkilatı On Birinci Zirvesinden Öne Çıkanlar // Türk Devletleri Teşkilatı – Röportajlar ve Makaleler. – 11 Kasım 2024. – URL: <https://www.turkicstates.org/tr/haber/turk-dunyasinin-guclendirilmesi%3A-turk-devletleri-teskilati-on-birinci-zirvesi39%3Bnden-one-cikanlar>

(қўрилган: феврал 2026)

асосан мавжуд икки томонлама ҳамкорлик дастурларини кўриб чиқиш ва келажақда кўп томонлама ҳамкорликни режалаштириш учун хизмат қилди. Озарбайжон 2026 йилда иккинчи учрашувни ўтказишни таклиф этди.

2025 йилда Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган ТДТ саммити бурилиш нуқтаси бўлди. Саммитнинг мавзуси “Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” бўлиб, бу ташкилотнинг хавфсизлик масалаларига янада очикроқ ёндашуvidан далолат берарди. Саммит декларациясининг асосий қисми хавфсизлик масалаларига бағишланди ва хусусан, “Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартнома”ни имзолаш мақсадини илгари сурди. Саммитнинг расмий баёнотида акс эттирилмаган бўлса-да, Озарбайжон ТДТ байроғи остида биринчи ҳарбий машқларни ўтказишни таклиф қилди.⁹

ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, сўнгги бир неча йил ичида ТДТ хавфсизлик, муҳофаа саноати ҳамкорлиги ва ҳарбий мувофиқлаштириш соҳаларида ўз ваколатларини тез суръатда кенгайтормоқда. ТДТ расмий иттифоққа айланадими ёки йўқми, ҳали номаълум, гарчи бу камида бир нечта аъзо давлатларнинг мақсади бўлса-да. Аниқ бўлган нарса шуки, ТДТ минтақавий ўрта кучлар - хусусан, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон учун сўнгги ўттиз йил давомида Евроосиёнинг марказий қисмида мавжуд бўлган хавфсизлик бўшлиғини тўлдириш воситасига айланди. Бу бўшлиқ минтақадаги ички хавфсизлик тизимларининг заифлиги, шунингдек, Россиянинг КХШТ каби ташқи субъектлар томонидан бошқариладиган хавфсизлик тизимларининг устунлиги туфайли пайдо бўлган.

Туркий ҳамкорлик шунчалик тез кенгайиб ва жадаллашиб бормоқдаки, энди уни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Кўп жиҳатдан туркий ҳамкорликнинг кенгайиши Марказий Осиё ва Кавказда Америка ва Европа сиёсати мақсадларига тўғридан-тўғри мос келади. ТДТ фаолияти кўп жиҳатдан Ғарб сиёсатини тўлдиради, шу билан бирга Ғарб давлатларининг ўзлари тўлдиришни истамаган ёки бунга қодир бўлмаган бўшлиқларни тўлдиради. Ҳам Европа Иттифоқи, ҳам Қўшма Штатлар учун Катта Марказий Осиёда мувозанатли халқаро муҳитни сақлашда ТДТнинг роли шунчалик муҳим бўлиб қолдики, Ғарбнинг ТДТ билан алоқасини чекловчи омиллар манфаатларнинг аниқ мувофиқлигини тўсиб қўймаслиги керак.

⁹ Jalilzade Sh. Gabala 2025: Security and Development as the New Architecture of Turkic Integration // Caspian – Alpine Society. – 06 October 2025. – URL: <https://caspian-alpine.org/gabala-2025-security-and-development-as-the-new-architecture-of-turkic-integration/> (кўрилган: феврал 2026)